

3-25-2020

MODERN APPROACH TO JADIDISM AND LITERATURE OF JADIDS

Dilafuz Jabborova Senior teacher, PhD
Samarkand State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#)

Recommended Citation

Jabborova, Dilafuz Senior teacher, PhD (2020) "MODERN APPROACH TO JADIDISM AND LITERATURE OF JADIDS," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 3.

DOI: 10. 36078/987654415

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Дилафрўз Жабборова

САМДУ катта ўқитувчиси, Фалсафа доктори (PhD),

ЖАДИДЧИЛИК ВА ЖАДИД АДАБИЁТИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ

Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётига ёндашув кейинги чорак аср мабойнида муайян босқични босиб ўтди. Дастлаб газета ва журналлардаги оддий мақола ёки жадид адиблари асарларини эълон қилиш билан бошланган бу жараён кодирийшунослик, фитратшунослик ва чўлпоншуносликдаги янги босқичнинг илк намуналари сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётшунос олимлар жадид адабиётига бадиий-эстетик ўрганиш нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий-тарихий аспектда ёндашади. Бу эса унинг тадқиқот йўналишида белгилаб олинган аниқ мақсад – миллий уйғониш мавзусини ёритишга асос бўлади. Мана шу фонда олим жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг ўн олтита йирик намоён-даси – Исмоилбек Гаспринский, Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, шахси, ижоди ҳақида батафсил маълумотлар беради. Бу маълумотларнинг қимматли жиҳати шундаки, муаллиф фикр-мулоҳаза, кузатиш ва хулосаларини конкрет тарихий факт ва манбаларга асосланади.

Жадидчилик ва жадид адабиёти, унда Чўлпоннинг ўрни биз юқорида кўриб ўтган мақолалар, оммабоп рисоалар, фундаментал тадқиқотлар орқали кенг илмий жамоатчиликка, давр ижтимоий-сиёсий тарихи, жадид адабиёти сиймолари ҳаёти ва ижоди билан кизикадиган китобхонлар оммасига муносиб тарзда етказилгани билан муҳимдир. Бу ишларнинг энг қимматли жиҳати уларда ўзликни англаш, халқнинг ўз фидойи фарзандлари ҳақида кенг маълумотлар олиш, провард натижада улуг аждодларнинг Ватан озодлиги

Dilafruz Jabborova

Senior teacher of SSU, PhD

MODERN APPROACH TO JADIDISM AND LITERATURE OF JADIDS

ANNOTATION

The movement of jadidism and approach to the literature of jadids held a definite period in the last quarter of the 20th century. First, simple articles were published in newspapers and journals as works of the literature of jadids. This period was so important as a new part of studying Kodiriy, Fitrat and Chulpon's creative works and it was like a pioneer step. Scholars of literature critical studies began approaching this trend not simply from the point of view of literary-aesthetics. They considered it to be a base to describe a national renaissance period of our literature. The article covers information about 16 great representatives of jadids movement and literature – Ismoilbek Gasprinskiy, Makhmudkhoja Bekhbudiy, Munavvar Kori Abdurashidkhon ugli, Abdurauf Fitrat and so on. The information is important since it is based on concrete opinions and researches of facts and sources of the authors. Jadidism and jadids literature and Chulpon's role are given in articles, mass pamphlets, fundamental researches enable us to understand the role of this literature and its writers, their sociopolitical views, works and lives, which will be carried to readers. The most precious side of the works is that we are realizing ourselves, deep information about the faithful children of the nation. The article gives information about independence of our motherland, what kind of their literature influence on our hearts and how it is absorbed by our culture. Initially, jadids' works were seldom published but beginning with 2000 their works became very popular; scholars began their researches about them. This period of time has been called the "literature of jadids", the "national renaissance of Uzbek literature".

Key words: jadids, movement of jadidism, national renaissance, nationalist, critic.

йўлидаги мислсиз курашларини қалбига сингдиришда таъсирчан тарбиявий аҳамиятга эга.

Дастлаб газета ва журналларда оддий публицистик мақолалар, жадид адибларининг кичик ҳажмдаги асарларини эълон қилиш билан бошланган жадидчилик ва жадид адабиётини ўрганиш жараёни 2000 йилдан кейин изчил тус олди, бир қатор тадқиқотлар юзага келди, илмий-оммабоп рисоалар чоп этилди.

Бу йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар рисоалар, жадидчилик ва жадид адабиёти ҳақида кенг тасаввур бериш билан бирга, адабиётшуносликда “жадид адабиёти”, “миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” сингари илмий тадқиқот йўналишларини юзага келтирди.

Калит сўзлар: жадид, жадидчилик ҳаракати, миллий уйғониш, миллатчи, мунаққид.

КИРИШ

Олимларимиз XX аср бошларида фаолият олиб борган маърифатпарвар зиёлиларимиз, жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари тўғрисида замонавий ёндашувга асосланган қарашларини 80-йиллар охиридаёқ илгари сура бошлаган бўлса-да, улар ҳақидаги бор ҳақақатни фақат истиқлолга эришганимиздан сўнггина юзага чиқариш имконияти туғилди. Бу имкониятдан келиб чиқиб, кўплаб тарихчи ва адабиётшунослар эътиборларини жадидчилик ҳаракати ва унинг ижодкор намояндалари фаолиятига қаратдилар. Натижада, бу давр адабиётшунослигида “жадид адабиёти” ёхуд “миллий уйғониш даври адабиёти” каби илмий тадқиқот йўналишлари пайдо бўлди.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки беш йилида маърифатпарвар зиёлилар тўғрисида кўплаб мақолалар чоп этила бошланди [1, 105-119; 2, 11-12; 3, 6-7; 4, 44-48; 5, 49-53; 6, 74-79; 7, 3-9; 8, 99-103; 9, 175-183; 9, 190-198; 10, 149-154; 11, 155-159].

Мазкур мақолаларда жадидчилик ҳаракатининг аср бошларида халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва мазмун-моҳияти, жадидчилик ҳаракатига шўро давридаги бир ёқлама ёндашувлар, ҳаракатнинг етакчи намояндалари ҳаёти ва фаолиятига доир мавзулар қамраб олинди. Тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар томонидан вақтли матбуотда чоп этилган мақолаларни кузатар эканмиз, олимларимизнинг мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганини, бунинг учун бир асрдан зиёдроқ вақт давомида кураш олиб борилганини асослашга ҳаракат қилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, истиқлолнинг дастлабки ойларида босилган “Жададчилик: ҳақиқат ва уйдир-

ма” мавзусидаги мақолада муаллиф жадидчилик ҳаракатининг шўро даврида бирёклама баҳолаб келинганига эътиборни қаратади. Мақолада, гарчи муаллиф шўро ғоялари таъсиридан буткул халос бўлолмаган бўлса-да, жадидчиликнинг моҳиятини тўғри талқин қилишга ҳаракат қилган. 20–30-йиллар ва ундан кейинги давр сиёсий ҳаётида жадидчилик буржуа миллатчилик ҳаракати сифатида қораланиб келингани, бунинг туб сабаблари мақолада аниқ далиллар билан асосланган. Муаллиф масала моҳиятини тарихчи нигоҳи орқали талқин этган.

Энг муҳими, мақолада истиқлол йилларида жадидчилик янгича мезонлар ва ёндашувлар асосида ҳар томонлама қайта ўрганилиши ва ҳақиқатнинг юзага чиқиши зарурлиги таъкидланади.

Маърифатпарвар зиёлилар, айниқса, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилди, уларнинг ватан ва миллат фидойиси сифатида олиб борган маърифатпарварлик фаолияти, илмий ва адабий мероси тадқиқи ва талқинида янгича ёндашувлар илгари сурилади. Ҳ.Саййиднинг Бехбудий публицистикаси талқинига бағишланган. “Изтироб билан ёзилган мақола...” номли мақоласи шу жиҳатдан ибратлидир. Муаллиф Бехбудийнинг қадимчилар билан баҳсга киришиб ёзган “Таърих ва жўғрофия” мақоласининг бош концепцияси ва мақола билан боғлиқ рўй берган бошқа масалаларга ўз муносабатини билдиради. Муаллиф фикрича, Бехбудий мақоласи чоп этилгандан сўнг катта шов-шувга сабаб бўлиб, унинг “Охранка” томонидан тезда рус тилига ўгирилиб, унга изоҳ ёзиб чоп этилишидан мақсад қадимчилар билан жадидлар ўртасидаги зиддиятни кучайтириш, улар орасига нифоқ солиш бўлган.

Б.Дўстқораев “Туркистон жадидларининг йирик сиймоси” номли мақоласида “Тошкент жадидларининг отаси” деб ном олган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ватан ва миллат озодлиги йўлида олиб борган ислоҳатчилик фаолияти, биринчи галда, маърифий фаолияти ҳақида сўз юритади. Мақола аввалида жадидчилик ҳаракатининг моҳияти, унинг “қадимчи”лардан фарқи, чор ҳукуматининг маҳаллий халққа нисбатан олиб борган сиёсатию, Дукчи эшон воқеаси билан боғлиқ халқнинг озодлик курашига доир масалаларга шарҳ берилади. Ушбу воқеалардан ўзларича хулоса чиқарган чор маъмурлари маҳаллий халққа рус-тузем мактаблари орқали рус тили, маданияти, турмуш тарзи ҳақида маълумотлар беришни мақсад қилишган бўлса, Мунаввар қори сингари жадидчилар халқни ғафлат уйқусидан ўйғотиш учун, аввало, янги типдаги мактаблар очиб, таълим бериш зарурлигини таъкидлаганлар. Мақолада Мунаввар қорининг бу борада олиб борган саъй-ҳаракатлари ўз ифодасини топган.

“Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги” номли мақоласида Ҳ.Болтабоев XX аср бошларидаги жадидчилик ҳаракатининг етакчи концепциясини ўлка халқларининг ўзлигини англаш, она тилида яратилган адабий мерос ва қадриятларни танитиш йўлидаги жиддий қадам сифатида кўрсатади. Олим фикрича, адабиёт ҳам миллий тамойиллар асосида ривожланиш йўлига туша бошлаган. Бироқ бу даврдаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар адабиётда ҳали тўла акс этмагани боис адабиётшуносликка доир изланишларда эстетик таҳлил

билан бирга ижтимоий-сиёсий қарашларга ҳам эътибор кучайган. Хусусан, маърифатпарвар Бехбудийнинг тил ва миллат ҳақидаги қарашлари, Фитратнинг “Мунозара”сидан тортиб ундан кейин ёзилган илмий-бадий асарларида илгари сурилган ватан ва миллат озодлиги концепцияси ушбу йўналишдаги уринишлар эди. Ҳ.Болтабоев эътибор қаратган яна бир масала жадид маърифатпарварларининг аср бошида мактаб ва маориф соҳасидаги, айниқса, мактаблар учун дарсликлар яратишдаги фаолияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, Мунаввар сори, Абдулла Авлоний, Саидрасул Азизий, Ҳамза ва бошқа зиёлилар томонидан яратилган дарсликлар жадидчиларнинг таълим соҳасидаги ислохотлари йўлидаги илк саъй-ҳаракатлари эди.

Ҳ.Болтабоев мақолада XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослигининг шаклланишида Фитратнинг ўрни масаласини ўрганаркан, бугунги кун адабиётшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бири ҳақида сўз юритиб, “... етмиш йил давомида исканжага олинган бу мавзу бугунги миллий истиқлол босидан қайта муносабатни талаб қилади ва бу борада чуқур илмий тадқиқотлар ва кузатишлар қилиш ҳозирги ўзбек адабиётшунос олимларнинг зиммасидаги “зеҳний юмуш”лардандир” [2,183], дея таъкидлайди.

Айни масала Б.Назаровнинг “XX аср ўзбек адабиётида Фитратнинг тутган ўрни” номли мақоласида ҳам ўртага қўйилган. Мақолада Фитрат ижодини ўрганиш уч босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ экани айтилади: биринчи босқич – “Фитратнинг ҳаётлик даври”, яъни унинг қатағон қурбони бўлган 1938 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади; иккинчи босқич – 1938–1990-йиллар, яъни Фитрат номи ва асарлари изчил қораланган шўро замони; учинчи босқич Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан бошланади. Мақолада муаллиф дастлабки босқичда Фитрат ижодига нисбатан икки хил ёндашувни таъкидлаб, Чўлпон, В.Маҳмуд, Н.Тўракулов, С.Айнийнинг дастлабки тақриз ва сўзбошилари ижобий мазмунда бўлганига эътиборни қаратади. Кейинчалик ҳоким мафкура тазйиқи остида Ж.Бойбулатов, Ҳ.Олимжон ва бошқаларнинг мақолаларида адиб ижодига турли ёрликлар ёпиштириш авж олган. Иккинчи босқичда, гарчи 1956 йилдан эътиборан Фитрат номи оқланиб, у ҳақда айрим ижобий фикрлар айтиш имкони туғилганига қарамай, умумий қоралов давом этган. Учинчи босқичга келиб барча чекловлар барҳам топди, Фитрат ва Чўлпон ҳаёти, ижодий мероси ҳақида эмин-эркин фикр айтиш имконияти яратилди.

Аҳмад Алиевнинг “Халқ душманлари” кимлар, улар халққа қандай “душманлик” қилдилар?” номли мақоласида жадидчилик ҳаракатининг мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида турли хил талқин ва баҳсларга сабаб бўлаётгани хусусида фикр юритилади.

Жумладан, шўро даври мафкурачилари томонидан “халқ душмани”, “миллатчи”, “маҳаллийчи” каби айбномалар инсоният тарихида учрамаслиги, бу фақат қизил империя тўқиб чиқарган ва халқнинг зиёли, маърифатпарвар, Ватан тақдири учун қайғурадиган, курашиб халқни озодликка даъват этадиган қатламни қатағон қилиш учун ўйлаб топилганини таъкидлайди.

Муаллиф ушбу мавзу сўнгги тўрт-беш йил давомида тарихчи, тилшунос

ва адабиётшунос олимларнинг мақолаларида, мунаққид гарчи тўғри фикрлар айтилаётган бўлса-да, бот-бот такрорланаётганини, бир хиллашиб бораётганини афсус билан қайд этади ва бундай бир хиллик, такрорлар китобхонларнинг баъдига уради, тўғри гапларнинг қадрини туширади, деб ёзади.

Олимни афсуслантирган иккинчи масала, шўро давридаги фаолияти давомида жадид адабиёти намояндаларини “буржуа адабиёти вакиллари”, “миллатчи” деган қарашларни қўллаб-қувватлаб келган айрим зиёлиларнинг энди “бир думалаб” уларни истиқлол мотивларини куйловчилар қаторига қўшиб қўяётганидир. Улар бундай мазмундаги мақолаларни ёзишга қай даражада ҳақлидирлар, дейди мунаққид.

Истиқлолнинг илк даврида жадид адабиёти, Чўлпон ижоди бўйича кўплаб мақолалар, адабий очерклар эълон қилган, китоблар чоп эттирган фаол олимлардан бири Аҳмад Алиев бўлди. Олим ўтган асрнинг 50 – 60-йилларидан бошлаб жадид адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий ижоди бўйича биринчилардан бўлиб кенг кўламли тадқиқот олиб борган, айниқса, 20 – 30-йиллар адабий мухитини кенг ўрганганлардан бири эди. Шу боис, унинг шўро даврида чоп эттирган Қодирий ва унга замондош Фитрат, Чўлпон каби ижодкорлар фаолиятига оид кузатишлари, гарчи мафкура таъсиридан холи бўлмаса-да, бу адиблар ҳақида кенгроқ маълумотлар бериши билан бошқа тадқиқотчилар ишидан фаркланиб туради. Бинобарин, унинг мустақиллик арафаси ва истиқлолнинг дастлабки ўн йилида соҳага оид манбаларни яхши ўрганган олим сифатида фаоллик кўрсатиши табиий эди.

А.Алиевнинг бу даврда “Ватан фидойилари” рукнида чоп этилган “Истиқлол ва адабий мерос” (1997) номли очерклар тўплами (китоб гарчи Олий таълим вазирлиги томонидан қўлланма сифатида тавсия этилган бўлса-да, унда ёритилган ижодкорлар ҳаёти ва ижодига оид манбаларни адабий очерклар сифатида белгилаш тўғри бўлади – Д.Ж) ва “Маънавият, қадрият ва бадиият”, (2000) номли китобида жадид адабиёти намояндалари, хусусан, Чўлпон ҳақида ҳам батафсил фикр юритилади. “Истиқлол ва адабий мерос” очеркида муаллиф Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Бехбудий, Ғози Юнус, Элбек, Боту каби ижодкорларнинг адабий портретларини яратган. Бунда муаллиф уларнинг ҳаёти ва ижодига оид материалларни, ижодидаги етакчи ғоявий мотивларни янгича – мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Чўлпонга бағишланган портретда шоир шеърляти концепцияси бир неча йўналишларда ёритилган.

Энг аввало, Чўлпон шеърлятининг ғоявий мотиви истиқлол ғоялари билан суғорилгани “Виждон эрки”, “Кишан”, “Ўтли сув”, “Кекса терак ” каби мустамлака даври фожеалари акс этган шеърлар таҳлили асосида кўрсатилади. Олим эътибор қаратган яна бир йўналиш бу лирик қахрамон (шоир “мен”и)нинг виждон эрки масаласидир. Муаллиф Чўлпон шеърларида етакчи мотивлардан бири сифатида акс этган виждон, инсон эрки масаласини ҳам истиқлол мафкураси билан боғлаб талқин этади. “Унинг шеърляти мавзу доираси ғоят кенг, ҳаммасида инсон шахси улуғланади, оғир тақдири ҳикоя қилинади. Кўклам, ёз, куз, киш фасллари ер-кўк, истиқбол, севги-муҳаббат, хотин-қизлар озодлиги, табиат ман-

заралари, ходисаларига бағишланган шеърятда инсон эркинлиги муаммолари чуқур поэтик ва ғоят фалсафий ифода этилади. Шоир ўз мулоҳазаларини гоҳ шўх, ўйноқи мисраларда, гоҳ ўта қайғули, ҳасратли ифодаларда катта маҳорат билан изҳор этади. Ҳаётнинг турли-туман воқеалари – тўйи, азаси, қувончи, қайғуси – ҳамма-ҳаммаси шоирни қизиқтиради, уларга муносабатини билдирмай туролмайди. Зотан, ҳаёт ҳеч қачон нукул қувончлардан иборат бўлмаганидай, нукул ташвишлардан ҳам иборат бўлмайди. Чўлпон шеърятининг туб эстетик идеали шу эди, биз шоир реализмининг қудрати ҳам шунда деб ҳисоблаймиз” [3, 160], деб ёзади олим. Чўлпон шеърларини таҳлил қилар экан, шоир поэтик маҳорати унинг реалистик қудратида, деб билади. Айниқса, шеърларида табиат унсурлари, манзаралар етакчи мавзулардан бири сифатида намоён бўлиши, тасвирнинг рамзийлик касб этиб, асар мазмунига уйғунлашиб кетиши бир қанча шеърлар таҳлили орқали далилланади. Шу тариқа Чўлпон шеърятининг ҳаётбахш қудрати кўрсатиб берилади. Бу шеърятда замонасозлик, ҳайбаракаллачилик аломатларининг учрамаслиги, шоир концепцияси давр воқелигини ҳаққоний акс эттиришга қаратилгани унинг эстетик принципларидан келиб чиқиши таъкидланади. Бу фикрларини олим шоирнинг “Созим” каби шеърлари таҳлилидан келиб чиқиб асослайди.

А. Алиев бошқа ижодкорлар асарларига ҳам айни шу тамойиллар асосида ёндашади. Унинг “Маънавият, қадрият ва бадиият” [4, 632]. номли китоби инсон, жамият ва адабиёт учлиги замирига қурилган ўй-мулоҳазалар, мушоҳадалар, талқин ва таҳлилларнинг муштараклигига асосланган кузатишлари жамланганлиги билан характерли. Китоб “Фидойилик” ва “Истиклол ва миллий қадриятларимиз – бугун” номли иккита бобдан таркиб топган. Муаллиф истиклол яратган фикр эркинлиги имкониятларидан фойдаланиб қадриятларимизни белгиловчи юксак ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, таълим-тарбия ва бошқа кўплаб ижтимоий-маданий қадриятлар ҳақида жадид адабиёти намояндalари Бeҳбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитратдан тортиб, Элбек, Усмон Носир каби юрт фидойиларининг асарлари таҳлили асосида фикр юритади. Китобнинг “Фидойилик” бўлимида XX аср бошларидаги миллий ўйғониш даври адабиёти намояндalари ва улар ижодини ўрганишнинг назарий-методологик асослари, олий таълимда уларни ўқитиш муаммолари, яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг олдингилардан тубдан фарқ қилиши зарурлиги тилга олинади. Муаллиф фикрича, миллатларни, халқларни бирлаштирувчи асосий куч, бу – маънавият. Китобда маънавий баркамолликка эришиш учун санъат ва адабиётни ривожлантириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш каби масалалар давр воқеалари билан боғлиқ ҳолда ёритилади. Чунончи, санъатнинг миллийлиги масаласи ҳақида мушоҳада юритаркан, муаллиф мустақилликнинг дастлабки йилларида телевидение орқали намоёиш этилган бир қатор хорижий телесериаллардаги миллий маънавиятимизга ёт тасвирлардан иборат картиналар ёшларимиз руҳиятига, маънавий оламига салбий таъсир кўрсатиши, уларни миллий қадриятларимиздан узоклаштириши ҳақида куюнчаклик билан фикр юритади. Енгил-елпи сериаллар қаҳрамонларига қарама-қарши “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча

ва кундуз”, “Қутлуғ қон” каби миллий романлар қаҳрамонларини ибрат қилиб тилга олади. Китобда маънавият ва таълим, маънавият ва дин, маънавият ва ватанпарварлик, маънавият ва фидоийлик каби долзарб масалалар борасида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилади ва улар Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ижодига мансуб бадий асарлар таҳлили орқали асосланади.

Китобда “жадид адабиёти” тушунчасига ҳам муносабат билдирилади. Бу тушунча замиридаги маърифатпарварлик ғоялари Шарқ ва Ғарб маърифатпарварлари ижоди билан қиёслаб ўрганилади. Муаллиф фикрича, ҳар қандай даврдаги янги адабиётни “жадид адабиёти” атамаси ёки тушунчаси билан атаб бўлмайди. Чунки XX аср бошларидаги ўзбек жадид адабиёти исталган даврда вужудга келиши мумкин бўлган “янги адабиёт”лардан ўзининг кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради.

Китобда Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, таъсир доираси, адабий намояндалари ҳақида батафсил кузатишлар баён этилган. “Истиқлол ва миллий қадриятларимиз – бугун” номли иккинчи боб Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат ва XX аср бошларида ижод қилган ўнлаб адиблар ижодида маънавият ва миллий қадриятлар масаласи нуқтаи назардан ўрганилади.

ХУЛОСА

Хуллас, А.Алиевнинг ҳар икки китобида жадид адабиётининг бошқа намояндалари қатори Чўлпон ижодига ҳам катта эътибор берилган, унинг шеърляти давр ғоялари, истиқлол мафқураси билан ҳамоҳанг тарзда таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигида адабиётшуносликда жадидчилик ҳаракати ва адабиётини ўрганиш кенг қамровли тус олиши баробарида унинг етакчи тамойилларини белгилаш, моҳиятини очиш ҳамда маърифий-тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга ҳам катта эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Sirojiddin A. Munavvar qori. Esse. Sharq yulduzi, 1992. № 5. 105-119 -betlar
2. H.Axrорова. Ko'klam xazoni. Fan va turmush, 1992. № 12. 11-12-betlar
3. Hayitov Sh. Sobirov N. Xorijdagi o'zbeklar. Fan va turmush, 1992. № 3-4. 6-7 betlar
4. Turdiyev Sh. Mahmudxo'ja Behbudiy. Muloqot, 1994. № 3-4, 44-48-betlar
5. Karimov Sh. Panturkizm nima? Muloqot, 1994. №3-4. 49-53 betlar
6. Shuhrat Rizo. Marifatparvarlikdan ma'rifatchilikkacha. Tafakkur, 1995. № 1. 74-79-betlar
7. Nazarov B. XX asr o'zbek adabiyotida Fitratning tutgan o'rni. O'zbek tili va adabiyoti, 1995. № 4. 3-9-betlar
8. Munavvarqori Abdurashidxon o'g'li. Jamiyat qanday ochilur? Tafakkur, 1995. № 3-4. 99-103 betlar
9. Boltaboyev H. Fitrat va XX asr boshlari adabiyotshunosligi. Sharq yulduzi, 1995. № 11-12. 175-183
10. Karimov B. Fikr va muhit ziddiyati, 1995. № 11-12.190-198-betlar
11. Shonazarov Yu. Badiiyat talqinlari. Sharq yulduzi, 1994. № 4.149-154-betlar;
12. Karimov B “Mehrobdan chayon”ni o'rganish. Sharq yulduzi, 1994. № 4. 155-159-betlar.
13. Bobtaboyev H. Fitrat va XX asr boshlari adabiyotshunosligi. Sharq yulduzi. 1995. № 11-12. - B.183.
14. 15. Aliyev A. Ma'naviyat, qadriyat va badiyat. -T.: Akademiya nashriyoti. 2000. 632 b.